

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВА БАРНО БОБИР ҚИЗИ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КЎРИШ СЕЗГИСИНИ
ИФОДАЛОВЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК 811.111'367.625
811.512.133'367.625

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological Sciences**

Карабаева Барно Бобир қизи

Инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи
феълларнинг когнитив-прагматик хусусиятлари..... 3

Карабаева Барно Бобир қизи

Когнитивно-прагматические особенности глаголов зрительного
восприятия в английском и узбекском языках..... 27

Karabaeva Barno Bobir kizi

Cognitive-pragmatic Peculiarities of Visual Perception Verbs in the
English and Uzbek Languages 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВА БАРНО БОБИР ҚИЗИ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КЎРИШ СЕЗГИСИНИ
ИФОДАЛОВЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil1808 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сиддикова Ирода Абдузукхуровна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахимов Ганишер Худойкулович**
филология фанлари доктори, профессор

Аскарова Шахноза Камолитдиновна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг «10» декабрь 2021 йил соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21-А уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru.)

Диссертацияси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21-А уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» ноябрь кунини таркатилди.
(2021 йил «27» ноябрь даги 27 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х.Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Х.Б.Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., доцент

Ж.А.Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг амалий қўлланиши, унинг ижтимоий моҳияти, тил соҳибларининг онги ва тафаккурини ўзида мужассам этган лисоний аспектларнинг чоғиштирма тадқиқи асносида тилнинг умумий ва хусусий лингвистик қонуниятларини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Прагмалингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, когнитив семантика каби соҳалар доирасида кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар маъносининг дискурсив ифодаланиши, мулоқот муҳитидаги мавқеи, когнитив-концептуал ва прагматик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг лисоний олам тасвирини яратишдаги функционал имкониятларини очиб бериш, шунингдек, концептуал таксономик таснифини такомиллаштириш долзарблик касб этади.

Дунё тилшунослигида тилнинг мулоқот шароитида қўлланишини ёритиш ҳамда коммуникатив мақсадни рўёбга чиқарадиган лисоний усулларни когнитив-прагматик йўналишда таҳлил қилишга йўналтирилган илмий изланишлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада турли тилларнинг алоҳида сатҳлари заҳиравий ифода имкониятларини тавсифлашга оид илмий изланишлар қўлами кенгайиб бормоқда. Аммо изланишларнинг аксарияти фақат бир тил учун хос бўлиб, қардош бўлмаган тиллардаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг чоғиштирма аспектда концептуал таксономик модели ва лингвопрагматик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган, шу боис кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг когнитив-дискурсив воқеланиш ҳолатларини қиёсий-чоғиштирма таҳлиллар асосида ўрганиш зарурияти мавжуд.

Республикамизда тил тизимини замонавий тадқиқ усуллари, яъни антропоцентрик йўналишда тадқиқ этиш, тилнинг ифода имкониятларининг дискурсида мулоқот ниятига мос келувчи янги мазмун яратишга мўлжалланган заҳирасини ўрганишга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда. «...Илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га алоҳида эътибор қаратилиши хорижий тиллардан, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий-чоғиштирма тадқиқотлар, лингвистик таҳлилларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифалар белгилайди. Шунга кўра, инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг концептуал таксономик моделини яратиш, бадий дискурсининг турлича композициявий шакллари ҳисобланган регистрлардаги прагматик вазифаларни қиёсий-чоғиштирма тадқиқ қилиш механизмларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сон «Таълим тўғрисида», 2019 йил 29 октябрдаги 576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль, № 28 (6722).

октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тилшунослигида феълнинг айрим жиҳатлари, уни таснифлаш, кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар масаласи К.А.Gouzeeva, S.I.Kostygina, J.Austin, J.Searle, J.Mey, R.Jackendoff, G.Yule, V.Evans, Ч.Пирс, Дж.Лайонз, Т. ван Дейк илмий изланишларида кенг тадқиқ этилган.

Рус тилшунослигида А.Щербак, Г.Сильницкий, М.Белау, Н.Буданцева, С.Жолобов, Л.Лихаманова, В.Павленко, И.Меркулова, В.Батицкая, Н.Болдырев, М.Аветисян, Е.Падучева, Е.Кубрякова, О.Александрова каби олимлар ишларида феъл сўз туркуми, унинг турлари, ясалиши ва грамматик категориялари, кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг прагмалингвистик хусусиятлари ҳамда матндаги тил бирликларининг когнитив моҳияти илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган².

² Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 151-180; Сильницкий Г.Г. Семантические и валентносные классы английских каузативных глаголов: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Л., 1971. – 29 с.; Белау М.Ю. Глагольная таксономическая модель концепта «Самостоятельное перемещение субъекта» в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2009. – 190 с.; Буданцева Н.А. Глагольная таксономическая модель концепта «зрительное восприятие» (на материале английского и французского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2014. – 246 с.; Жолобов С.И. Семантика и функционирование английских глаголов, обозначающих определенно-направленное перемещение в пространстве: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Калинин, 1984. – 16 с.; Лихаманова Л.Ф. Семантическая филиация английских звукоизобразительных глаголов движения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1996. – 16 с.; Павленко В.Г. Когнитивно-семантические и структурные свойства лексических единиц мыслительной деятельности в английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2013. – 32 с.; Меркулова И.Н. Категория функционально-связочных глаголов в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2004. – 164 с.; Батицкая В.В. Функционально-семантический потенциал глаголов длительности в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Иркутск, 2001. – 174 с.; Болдырев Н.Н. Категориальное значение глагола: Системный и функциональный

Ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, И.Қўчқортёв, Р.Расулов, С.Муҳамедова, Д.Ашурова, Ў.Шарипова, Д.Абдуллаева, Г.Наримова, В.Каримжонов, Ш.Сафаров, А.Маматов, С.Боймирзаева, А.Нурмонов, А.Собиров, К.Раҳманбердиев, Ш.Искандарова, Ш.Назирова, Т.Дадаев, Т.Мусаев, З.Сиддиқов, Ш.Шокировларнинг илмий тадқиқотларида феълларнинг айрим семантик турлари, хусусиятлари, валентлик кўринишлари, кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар структуравий тилшунослик нуқтаи назаридан очиб берилган³.

Феълларнинг турлари, ясаши ва грамматик категориялари билан боғлиқ бир қатор изланишлар мавжуд, аммо инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар дискурда намоён бўладиган прагматик, когнитив хусусиятларининг чоғиштирма таҳлилига бағишланган махсус тадқиқот иши олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № И-245/11 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

аспекты. Монография. – Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 229 с.; Аветисян М.И. Категориальная структура глаголов движения в современном английском языке // Университетские чтения: Часть 4, Издания ПГ. – Пятигорск, 2016. – С. 64-70; Падучева Е.В. Динамические модели в семантике лексики. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – 608 с.; Кубрякова Е.С., Александрова О.В. Виды пространств текста и дискурса / Категоризация мира: пространство и время. Материалы научной конференции. – М., 1997. – С. 24-38.

³ Ғуломов А.Ғ. Феъл. – Тошкент: Фан, 1954. – 88 б.; Ҳожиёв А.П. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.; Кучкартаев И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ): Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент: Фан, 1977. – 168 с.; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989. – 34 с.; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 325 б.; Ashurova D.U. Text linguistics. – Tashkent: «Tafakkur qanoti», 2012. – 200 с.; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1996. – 152 б.; Абдуллаева Д. Семантик-синтактик валентлик ва ўзга гапли қурилмалар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд: СамДУ, 2002. – 22 б.; Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 32 б.; Каримжонов В.А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 300 б.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2010. – 49 б.; Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 346 б.; Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини системалар системаси тарзида ўрганиш. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 68-83; Раҳмонбердиев К. Глаголы зрительного восприятия в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 19 с.; Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Тошкент: Фан, 2007. – 183 б.; Назирова Ш. Семантическая структура и сочетаемость соматизмов в английском, узбекском в русском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2004. – С. 24.

³ Дадаев Т.Ш. Глаголы чувственного восприятия в разносистемных (узбекском и русском) языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997. – 36 с.; Мусаев Т.Т. Ўзбек тилидаги сезги феъллари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1992. – 145 б.; Сиддиқов З.У. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 27 б.; Шокиров Ш.И. Турли тизимдаги тилларда «кўз» лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бириклари типологияси. Монография. – Андижон, 2021. – 163 б.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг чоғиштирама аспектда когнитив ва прагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўриш сезгисини ижтимоий-маданий характердаги когнитив жараён сифатида ўрганиш ҳамда кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг даражавий таснифининг ўзига хос семантик белгиларини аниқлаш;

тадқиқ қилинаётган феълларнинг таксономик моделини яратиш негизида уларнинг лисоний ва когнитив механизмларини ўрганиш;

«КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептининг таксономик моделини асослаш, таҳлил қилиш, унинг структураси ва тавсифини ишлаб чиқиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг функциявий категориялашувининг динамик аспектини таҳлил қилиш;

турли коммуникатив регистрларда қўлланилган гапдаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг прагматик имкониятларини очиб бериш;

кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг умумий ва фарқли белгиларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар танланган.

Тадқиқотнинг предметини кўриш сезгиси концептини воқелантирувчи феълларнинг когнитив-семантик тавсифлари, бадиий дискурсадаги феълларнинг прагматик тавсифлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлилий-тавсифий ва чоғиштирама усуллар, концептуал-таксономик таҳлил, семантик таҳлилнинг компонент ва таснифий усуллари, прагматик усул ҳамда трансформацион таҳлил элементларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

шахс нутқий фаолиятининг перцептив (идрок) ва тафаккур қилиш жараёни билан узвий боғлиқлиги когнитив тилшуносликнинг «таксономик модель» ва прагматиканинг «коммуникатив регистрлар» каби аспекти орқали далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг таксономик модели тилга доир актуаллашув механизми, профиллашувнинг когнитив механизмлари, концептуал метафора, концептуал метонимия, генерализация каби динамик кўрсаткичларнинг функциявий категориялашуви асосида ишлаб чиқилган;

«КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептининг вербализацияси лисоний механизмларнинг прагматик жиҳатдан ўхшаш (тасвирий-тавсифий, волонтив ва реактив жамланмалар) ва когнитив жиҳатдан фарқли (актуаллашув, профиллашув, қайта категориялаш) хусусиятларини аниқлаш орқали асосланган;

перцептивликни тасвирлашга йўналтирилган лексиканинг дискурсада воқеланишининг инсон тафаккури ва идрокининг прагматик даражаланиши мезонларига мос келиши *тасвирий-тавсифий, волонтив ва реактив* коммуникатив регистрлар орқали далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кўриш сезгиси функционал-семантик сферасининг когнитив модели лексикография ва луғат тузиш амалиётида ишлаб чиқилган;

инглиз ҳамда ўзбек тилларида инсон кўриш сезгисининг турлича жиҳатлари оламнинг лисоний тасвирини яратишда ёрдам бериши исботланган;

ушбу тадқиқот ишининг материали тилларнинг функционал-когнитив луғатларини тузишда, чет тилларини ўқитишда, давлат таълим стандартларининг мазмуний меъёр ва компонентларини тузишда, ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш ва таржима жараёнларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий лингвистикада қўлланадиган илмий тадқиқот методлари ёрдамида инглиз ва ўзбек тилларидаги XX аср охири ва XXI аср бошларида яратилган бадий адабиётлардан олинган мисоллар таҳлили, илмий жиҳатдан асосланган назарий хулосалар, кўриш сезгиси феълларининг когнитив-прагматик имкониятлари асосида уларнинг концептуал-семантик хоссалари хусусидаги умумий назарий хулосалар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг когнитив ва прагматик хусусиятларининг таҳлили, қиёсий тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, лексикология ва таржимашунослик каби фан соҳаларининг тадқиқот кўламини бойитади, унда келтирилган фикрлар ва нуқтаи назарлар, атамалар ва кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг тўғри қўлланилиши бўйича тавсиялар тилшуносликдаги бошқа таркибий терминологик тизимларни тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан когнитив тилшунослик ва прагмалингвистикани ўқитиш учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, луғатлар ва турли услубий тавсиялар ҳамда «Когнитив тилшунослик», «Прагмалингвистика», «Лексикология», «Қиёсий тилшунослик» ўқув курслари, олий ўқув юртлари бакалавр ва магистратура босқичи талабалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг когнитив-прагматик хусусиятларининг тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан семантик деривацион хусусиятлари, инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг семантик, семантик-стилистик, когнитив ва прагматик моҳияти, шунингдек, кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг маъноларини луғатларда ифодалашнинг қиёсий таҳлиliga оид материаллар ва илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 01-12-20-4748-сон маълумотномаси).

Натижада ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши юзасидан эришилган ижобий натижалар «йўл харитаси» доирасида ўз аксини топган;

кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг семантик майдони тиллараро аспектларда ўрганилганлиги, хусусан, генетик жиҳатдан ўзаро қардош бўлмаган тиллар перцептив сферасининг чоғиштирув асосида таҳлил қилиниши феълнинг семантик назариясини янада ривожланиши учун муҳим омил бўлиши аниқланиб, ишлаб чиқилган таксономик модел ва коммуникатив жамланмаларга оид илмий натижалар Андижон давлат университетиди 2017-2021 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-18 рақамли «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 39-08-1272-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши юзасидан эришилган ижобий натижалар инновацион лойиҳа доирасида ўз аксини топган;

инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларни когнитив ва прагматик аспектларда комплекс равишда қиёсий-чоғиштира ўрганишга бағишланган диссертациянинг илмий натижалари, амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2015-2017 йилларда бажарилган «Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури 561624 EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2CBHESP: «Internationalization and Modernization of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan» номли лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 16 июндаги 1298/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида шахсининг нутқий фаолияти, унинг перцептив (идрок) ва тафаккур қилиш жараёни билан узвий боғлиқлиги когнитив-прагматик ёндашувлар таҳлили асосида аниқланганлигига оид материаллар тадқиқот доирасида олинган хулосалар соҳавий терминшунослик ва луғатшунослик ҳамда халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

шахсининг нутқий фаолияти, унинг перцептив идрок ва тафаккур қилиш жараёни билан узвий боғлиқлиги когнитив-прагматик ёндашувлар таҳлили асосида аниқлангани, инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг семантик майдони тиллараро аспектларда ўрганилгани, генетик жиҳатдан ўзаро қардош бўлмаган тилларнинг перцептив сферасини чоғиштирув асосида таҳлил этиш феълнинг семантик назариясини янада ривожланиши учун муҳим омил бўлиши аниқланган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 22 июндаги 01-03/851-сон маълумотномаси). Натижада таксономик модел ва коммуникатив регистрлар ишлаб чиқилган, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдона асарларининг илмий тадқиқи билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қўлланилган;

инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгиси концептининг ўхшаш ва уникаллик жиҳатлари концептуал-таксономик таҳлил методи ёрдамида очиб берилганлигига оид илмий натижалар, амалий тавсиялардан Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Ўзбек ва инглиз

тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл атвори ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш» номли инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 02-15/3604-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши юзасидан эришилган ижобий натижалар инновацион лойиҳа доирасида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, шу жумладан, 2 та республика ва 2 та халқаро анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 7 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида, 3 та хорижий журналда ва 1 та скопус базасига кирувчи журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий матни 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, қўлланилган методлар, объекти ва предмети тавсифланган. Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари баён қилинган, эришилган натижаларнинг янгилиги очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий этиш ва фойдаланиш имкониятлари, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Когнитив тилшунослик ва лингвопрагматика тилшуносликнинг асосий йўналишлари сифатида»** деб номланган биринчи бобида кўриш сезгисининг турли аспектларда қўлланиши, когнитив тилшунослик ва лингвопрагматиканинг назарий асослари ўрганилган. Кўриш сезгиси, яъни кўриш ва идрок этиш каби қобилиятлар инсон ҳаётининг муҳим қисмини ташкил қилади. Инсон унинг воситасида борлиқни тафаккур қилади, яъни бу қобилият ёрдамида борлиқдаги ҳодиса ва жараёнлар ҳис қилинади, қабул қилинади, бошқаларидан фарқланади, ўзлаштирилади ва уларнинг образлари шакллантирилади. Кўриш орқали идрок қилиш жараёни ва натижаларининг тилдаги ифодасининг ўзига хослиги шундаки, у эмпирик билимларни нафақат тил бирликлари ёрдамида, балки уларни амалга ошириш ва вазифаларининг хусусиятлари натижасида ҳосил қилишни таъминлайди. Турли таълимот ва оқим вакиллари бўлган лингвистлар билим ҳосил қилишда идрок қилиш жараёнини тилда ифодалашнинг кўп сонли ва турли воситалари мажудлигини аниқладилар. Бу далиллар «кўриб идрок қилиш» концепти тизим

ҳосил қилишда қўлланадиган концептлар қаторига киришини кўрсатади⁴ ва уларнинг аҳамиятлилиги «номинатив сўзларнинг тарқалганлик даражаси қонуни»га асосан, тил бирликлари уларни қанча кўп ифодаласа, улар билан ифодаланган концептуал макон шунча кўпаяди⁵.

Сезги жараёни мураккаб ва серқирра ҳодиса сифатида турли фанлар доирасида тадқиқ этилади. Ушбу йўналишларнинг кўзга кўринган ва танилганлари қуйидагилар: 1) психо-физиологик; 2) фалсафий; 3) ижтимоий-маданий; 4) лисоний.

Бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар XXI асрни фанлар интеграцияси асри деб ҳисобламоқдалар. Муайян объект моҳиятини ёритишда фанлараро ҳамкорлик ўз натижаларини бермоқда. Бу каби ёндашувдан мураккаб мавжудот бўлган шахс феноменининг нутқий фаолиятини тадқиқ этишда ҳам фойдаланиш энг тўғри йўлдир. Зеро, инсон нутқи унинг ўзи каби мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса ҳисобланади. Бу борада тилшунослик соҳаларининг ҳамкорлиги ўз самараларини бериши шубҳасиздир⁶. Мамлакатимизда когнитив тилшунослик масалаларига Д.У.Ашурова, Ш.Сафаров, М.Т.Ирискулов, И.А.Сиддиқова, М.Р.Галиева, А.Г.Юлдашев каби тилшунослар эътибор қаратмоқдалар.

Когнитив тилшуносликда олам тўғрисидаги билимлар концептлар ёрдамида шаклланади. Концептлар барча тиллар ва лингвوماданиятлар учун универсал моҳиятга эга. Уларнинг лисоний воқеланиши эса ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга бўлади. Фикримизча, концептлар қотиб қолган тузилма эмас: уларнинг мазмуни инсонларнинг билим кўникмалари ёрдамида доимий равишда ривожланади ва билимлар билан тўлиб боради. Когнитив-дискурсив парадигма таркибидаги билимлар категорияси марказий категориялардан бири ҳисобланади. Мазкур парадигмада билим тизимли маълумотлар жамланмаси сифатида тушунилади⁷.

Агар кўриш сезгисининг концептлашуви воқеликнинг онгдаги англашинуви ва инсон онгида бирор-бир концептни ҳосил қилинишига, ушбу концептнинг тавсифлари йиғиндисининг ҳосил бўлишига сабабчи бўлса, у ҳолда категориялашув натижасида ушбу концептуал тавсифлар тартибга солинади. Концепт тушунчаси асосида маъно ва образ ётади⁸.

Е.Кубрякованинг фикрича, концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ёхуд турфа кўринишдаги билимлар кванти ёки умумий жамланмасидир⁹.

Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил этиб, уларга таянч нуқта сифатида хизмат қилади. Кўп

⁴ Апресян Ю.Д. Избранные труды. Том I. Лексическая семантика: 2-е изд., испр. и доп. – М.: Школа «Языки русской культуры»,Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1995. – С. 201.

⁵ Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж, 2002. – С. 98.

⁶ Худойберганаева Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 8.

⁷ Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Лузина Л.Г., Панкрац Ю.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Изд-во МГУ, 1996. – С. 29.

⁸ Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Тошкент: Шарк, 2010. – Б. 176.

⁹ Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Лузина Л.Г., Панкрац Ю.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Изд-во МГУ, 1996. – С. 90-93.

ҳолатларда концептнинг умумий хусусиятлари, яъни ички тузилиш жиҳатдан аниқ кўринишга эга эмаслиги қайд қилинади. Шунингдек, концептлар антологиясининг 1-қисмида «концепт – индивидуал белгилар билан мураккаблашган миллий имидж (ғоя, рамз)»,¹⁰ деб келтирилган.

Д.У.Ашурова эса концептни мантиқий, миллий хусусиятга эга ҳодиса сифатида талқин қилиб, шу концептнинг негизини айнан шу ўрганилаётган предмет ёки ҳодиса ҳақидаги билим ташкил қилса, ифодаланишини эса тил воситалари (лексик, фразеологик, паремеологик ва ҳ.к.)нинг мутаносиблиги ташкил қилишини айтади¹¹.

Ш.Сафаров эса қуйидагича изоҳлайди: «Концептнинг асосини ташкил қилувчи предмет образи етарлича аниқ ва иккиламчи ўринни эгаллаган бўлаклари мавҳумликка эга бўлиши билан биргаликда, улар ягона негиз атрофида ўзаро муносабатга киришиб бирикадилар»¹².

Кўриш сезгисининг категориялашуви – нафақат ўша концептуал категориянинг шаклланиши, балки ушбу жараённинг натижаси, яъни муайян когнитив моделнинг, «КЎРИШ СЕЗГИСИ» концепти структурасининг ҳосил бўлишидир.

Тилни тасвирлашда прагматик ёндашувни қўллаш лисоний мулоқот қуроли – матннинг лингвистик тадқиқи тараққиётига туртки бўлди. Матн прагматикасининг ташкилий қисмлари қуйидагиларда кўринади: адресант, прагматик интенция, прагматик мазмун, прагматик эффект. Агар матнни коммуникатив бирлик деб ҳисобласак, у ҳолда матн тузувчи муаллиф бу жараённинг қуйидаги асосий босқичларидан ўтади: 1) ҳаётий вазиятларнинг муайян муаммоларини аниқлаш ва ушбу муаммоларни турли усуллар ёрдамида ҳал қилиш; 2) муаллифнинг ички хоҳиш-истаклари, яъни интенция; 3) авторнинг коммуникатив ғоясини амалга ошириш учун муайян лингвистик бирликларни танлаш¹³. Агар шу жараённи вербаллик/новербаллик нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, у ҳолда таъкидлаш мумкинки, адресантнинг хоҳиш-истаги икки босқичдан, яъни: 1) новербал жараённи амалга ошириш; 2) адресантнинг лисоний фаолиятдан иборат бўлади. Интенция, ўз навбатида, уч босқичда амалга оширилади: сўзловчи нияти, асар композицияси ва услуги. Ният асосида хабар мавзуси шакллантирилади, композиция даражасида воқеаларнинг кетма-кетлик билан содир бўлиши қабул қилинади, услуб даражасида эса – тил шакллари ва уларнинг комбинацияси танлаб олинади¹⁴. Интенцияни хоҳиш-истакнинг бир тури деб ҳисобласак бўлади, ушбу хоҳиш-истакни амалга ошириш учун инсон муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширади¹⁵. Интенцияни икки турга ажратиш мумкин: дастлабки ва якуний.

¹⁰ Карасик В.И. Антология концептов. Под ред. В.И. Карасика, И.А. Стернина. Том 1. – Волгоград: Парадигма, 2005. – 352 с.

¹¹ Ашурова Д.У. Связь вузовских курсов с современными направлениями лингвистики // Филологиянинг долзарб муаммолари. Маъруза тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 11.

¹² Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – Б. 17.

¹³ Дридзе Т.М. От герменевтики к семиосоциопсихологии: от «творческого» толкования текста к пониманию коммуникативной интенции автора // Социальная коммуникация и социальное управление экантропоцентрической и семисоциопсихологической парадигмах: в 2 кн. – М., 2000. – Кн. 2. – С. 127.

¹⁴ Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 93.

¹⁵ Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. – Киев: Вища школа, 1986. – С. 74.

Дастлабки интенция – нуткий ҳаракат, унинг мобайнида адресант адресатни муайян хабарни маълум қилишга ундайди. Якуний интенция – мақсад ҳисобланиб, у нуткий ҳаракатлар натижасида амалга ошади, бу ҳодиса муаллиф нияти ҳисобланади¹⁶. Прагматик аспект – фикр ва ҳиссиётларни теран ифодалаш ёки ўқувчи ҳамда тингловчининг ҳиссиёти ва эмоцияларига таъсир этишдир.

Тилларни чоғиштирув асосида таҳлил қилиш тадқиқ қилинаётган бирликлар семантикасининг универсал-лисоний ва идиоэтниқ ўзига хос хусусиятларини шарҳлашга имконият яратади. А.А.Реформатскийнинг ёзишича, «қиёсий метод тадқиқ қилинаётган тилларни изоляциядан олиб чиқади ва дастлабки реконструкцияларни топишга ёрдам беради»¹⁷.

Чоғиштира метод нафақат синхрон бўлиши, балки аниқ амалий мақсадга ҳам эга бўлиши лозим. Р.З.Мурясовнинг таъкидлашича, «Тилларнинг фрагментларини ёки бутун бир тизимини чоғиштириш – уларнинг қариндошлигини исботлаш учунгина эмас, балки принципиал ўхшашлигини, ифода планининг принципиал даражадаги бир хиллиги, семантик категорияларининг лисоний репрезентациясининг характери жиҳатида ўхшашлигини исботлаш учун амалга оширилади»¹⁸.

Бирор тилни бошқаси билан чоғиштириш натижасида ушбу тил вакиллариининг тафаккур қилишларида тафовут ёки ўхшашликлар мавжудлиги аён бўлади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгиси феъллари семантик структурасининг, уларнинг конфигурацияси, лексик-семантик майдонларининг чоғиштира таҳлили ҳар икки тилдаги когнитив ва прагматик аспектларининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини аниқлашга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг лингвокогнитив таҳлили**» деб номланиб, инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг семантик хусусиятлари билан бирга ушбу феълларнинг таксономик модели ишлаб чиқилиб, инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг функционал категориялашувидаги динамик хусусиятлари ҳам асослаб берилган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи *to look/to see* ва *кўрмоқ/қарамоқ* феълларининг семантик майдонини тадқиқ қилиш натижасида уларнинг семантик структурасида кўриш ёрдамида сеза олиш, кўриш вазифасининг амалга оширилиши, кўриш сезгисининг мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилиши, маҳсулдорлик каби асосий белгилари мавжудлиги аниқланди. Ушбу феъллар бошқа феъллар учун индентификатор-сўзлар сифатида хизмат қилади ва кўп қўлланилиши, тузилиши жиҳатидан нейтраллиги сабабли доминант сўзлар ҳисобланади.

Феъл таксономияси категориялашувинининг асосий даражалари сифатида икки, яъни таянч ва субординат даражалар таҳлил қилинади, ушбу даражалар иерархик тартибда жойлашган қаторлар ҳисобланади. Таянч даражада икки

¹⁶ Ўша манба. – С. 74.

¹⁷ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект пресс, 1996. – С. 16.

¹⁸ Мурясов Р.З. Избранные труды по германскому и сопоставительному языкознанию. – Уфа, 1998. – 290 с.

қатор мавжуд бўлса, субординат даражанинг уч қатори мавжуд. Инглиз ва ўзбек тилларидаги далилий маълумотлар асосида айтиш мумкинки, «КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептининг феъл сўз туркумида ифодаланган таксономик модели учун қуйидагилар муҳим:

феъллар кўриш сезгисини ва уларга хос таснифларни ифодалайди, бошқа когнитив жараёнларни репрезентация қила олмайди;

феълларнинг асосий мазмуни таянч даражадаги феълларга ёки ўша қатордаги феълларга боғлиқ.

Субординат даражадаги иккинчи қатор феълларга хос жиҳатлар:

феълнинг асосий мазмуни нафақат кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар, балки бошқа семантик гуруҳга доир феъллар орқали ҳам аниқланади;

ушбу қаторга доир феъллар нафақат кўриш сезгиси концептини, балки бошқа концептларни ҳам репрезентация қила олади;

ўзининг асосий мазмунига кўра кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар ҳисобланса-да, этимологик жиҳатдан бошқа мавзуй гуруҳга доир бўлиши мумкин, бу эса уларнинг семантик имкониятлари кўплигидан далолат беради.

Субординат даражадаги учинчи қатор феълларга хос жиҳатлар:

ҳозирги мазмун ифодасига кўра, улар кўриш сезгисини репрезентация қилмайди (умумий жисмоний сезги ва ҳаракат феъллари) ёки қисман ифодалайди (уларнинг таърифида перцептив ҳаракат билан боғлиқ баъзи компонентлари мавжуд бўлиши мумкин, масалан, «кўринарли қилмоқ», «кўриниб қолмоқ»);

айрим контекстлардагина кўриш сезгисининг прототипик вазиятини реарезентация қилиши мумкин.

Модел структураси тизимига ва асосий мазмунига кўра, кўриш сезгисини ифодаламайдиган айрим феълларни кўшишни тўғри деб ҳисоблаймиз, чунки шу орқали тил тизимининг муайян хоссаси таснифланади, яъни модел статик тузилма эмас, балки тил ва нутқ дихотомияси ҳисобланиб, турғун бўлмаган, қотиб қолмаган структура эканини кўрсатади.

Инглиз тилидаги *to see* ва *to look* ҳамда ўзбек тилидаги *кўрмоқ* ва *қарамоқ* феъллари кўриш сезгисини ифодалашда кўп қўлланилувчи феъллар ҳисобланади. Лекин инглиз тилидаги *to look* феъли *to see* феълига нисбатан кам қўлланилиши кузатилди.

Oxford English Corpus маълумотлари материали асосида ва <http://oxforddictionaries.com/words/the-oec-facts-about-the-language> сайтида эълон қилинган тадқиқот натижалари кўрсатишича, энг кўп қўлланадиган 100 та инглизча сўзлар қаторида *to look* феъли 74-ўринни, *to see* – 69-ўринни эгаллаган. Энг кўп қўлланадиган инглизча феъллар қаторида *to look* 13-ўринни, *to see* феъли эса 10-ўринни эгаллаган. *to see* ва *to look* ҳамда *кўрмоқ* ва *қарамоқ* феъллари стилистик жиҳатдан нейтрал феъллар ҳисобланади.

«КЎРИШ СЕЗГИСИ» концепти таксономик моделини ифодаловчи феълнинг субординат даражаси (1-жадвалга қаранг).

**«КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептининг таксономик моделини ифодаловчи
фёълнинг субординат даражаси**

| Тасниф | Фёълларнинг семантикаси | | Субординат даража |
|--|--|---|---|
| | инглиз тилида | ўзбек тилида | |
| – пайт – усул – кўриш сезгиси – образ – Тўсиқ – кузатув – дистанция – объектни бутунлигича сезиш – траектория – сабаб – мақсад – туташиган давомийлик | <i>to examine,</i> <i>to flicker,</i> <i>to follow,</i> <i>to gaze,</i> <i>to gawk,</i> <i>to gawp,</i> <i>to glance,</i> <i>to glare,</i> <i>to glimpse,</i> <i>to glower,</i> <i>to goggle,</i> <i>to inspect,</i> <i>to look on,</i> <i>to look out,</i> <i>to look up,</i> <i>to notice,</i> <i>to observe,</i> <i>to peek,</i> <i>to peep,</i> <i>to peer,</i> <i>to scan,</i> <i>to scowl,</i> <i>to scrutinize,</i> <i>to sight,</i> <i>to survey,</i> <i>to witness</i> | <i>анграймоқ,</i> <i>боқмоқ,</i> <i>бақраймоқ,</i> <i>қарамоқ,</i> <i>кўрмоқ,</i> <i>тикилмоқ,</i> <i>термулмоқ,</i> <i>кўздан кечирмоқ,</i> <i>назар солмоқ,</i> <i>кузатмоқ,</i> <i>ўқраймоқ,</i> <i>бўзраймоқ,</i> <i>безраймоқ,</i> <i>хўмраймоқ</i> | – <u>биринчи қатор:</u> 1) to see ёки to look, қарамоқ ёки кўрмоқ каби фёъллар томонидан аниқланади; 2) фёъллар фақат кўриш сезгиси жараёнини ифодалайди ва бошқа когнитив жараёнларни репрезентация қилмайди. Инглиз тилида to glance, to peep, to peek, to peer, to gaze, to gawk, to gawp, to goggle, to sight; фразали фёъллар: to look on ва to look out. Ўзбек тилида назар солмоқ, кўз ташламоқ, кўзини қисиб қарамоқ, олаймоқ, бақраймоқ, анграймоқ, хайрон боқмоқ, кўздан кечирмоқ – субординат қатор: to gaze, to gawk, to gawp, to goggle – бақраймоқ, бақрайтирмоқ, анқаймоқ. – <u>иккинчи қатор:</u> to glimpse, to glare, to glower, to observe, to examine, to scan, to inspect, to scrutinize, to survey, to witness; фраза таркибидаги to look up. кўз югуртирмоқ, порламоқ, кузатмоқ, текширмоқ, гувоҳи бўлмоқ – субординат қатор: to look up. – <u>учинчи қатор:</u> <i>to notice, to follow, to flicker, to scow чақнамоқ, хўмраймоқ.l</i> |

«КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептининг таксономик моделидаги динамик фаолиятида ва кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг функциявий категориялашувидаги лисоний механизмлари сифатида *актуализация, қайта категоризациялашув, поликатегоризациялашув* ва *нейтрализация* механизмлари ва феъл мазмунининг семантик компоненти асосида таҳлил қилинади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг функциявий категориялашувидаги лисоний механизмлар

| | | |
|--|--|--|
| <p><i>актуализация</i></p> | <p>тизимдаги сўз мазмунини ўзгартириб ёки ўзгармаган ҳолда қўллашдир: сўз мазмунида луғатларда кўрсатилган тавсифлар мавжуд бўлади</p> | <p><i>It was dark</i> in the prison, and at first she could not <i>see</i> very well (BNC). Лекин <i>рашк қитиқлаган кезларда</i> чеҳранг ўзгаради. Мен буни ўз кўзим билан <i>кўрганман</i>. (А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. 58 б)</p> |
| <p><i>қайта категоризациялашув</i></p> | <p>феълнинг категориал вазифасининг ўзгариши унинг грамматик шакли мазмуни орқали намоён бўлади ёки унинг гапдаги функциявий мазмуни бошқа сўзлар билан бирикма ҳосил қилиши орқали амалга ошади</p> | <p>He <i>saw that in some manner he shocked them</i>, and gave up that aspect of the matter altogether, and tried to show them the practical value of sight (Harris 2011: 84). Абдулла унинг хипча белига боғланган нўхат гулли фартуғига ҳавас билан қараб кўйди. Буни Сайёра ҳам сизди шекилли, унга жилмайиб <i>тикилди-да</i>, фартуғининг этаги билан ун юққан кўлларини артди (Ў.Умарбеков. Одам бўлиш қийин. 48).</p> |
| <p><i>Поликатегоризациялашув</i></p> | <p>бу битта феълнинг бир нечта категориал мазмунининг воқеланишидир</p> | <p><i>Johnny looked speculatively at Rudolph</i> (Shaw 2008: 580). Махмудбек Нозима кетгандан кейин унинг ортидан <i>ўйчан</i> қараб колди (С.Хамидов. Орзуларим. 65).</p> |

Кўриш сезгисини ифодаловчи феълнинг функционал категориялашувнинг лисоний механизмлари когнитив механизмларининг ҳаракатларини акс эттиради (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Кўриш сезгисини ифодаловчи феълнинг функционал категориялашувнинг когнитив механизмлари

| | | |
|----------------------|---|---|
| профиллашув | унинг натижасида кўриш сезгисини ифодаловчи феъл репрезентация қилаётган концептуал мазмуннинг муайян қисми актуал мазмун даражасига кўтарилади, психологик мазмунга эга бўлади | «Margaret», said Mary, who had been closely <u>observing</u> her friend (Gaskell 1956: 120). Ҳозир эса у Сайёранинг эпчил, энгил ҳаракатларини <u>кузатар экан</u> , фокстротнинг ҳам жуда яхши куйлигига ишонди ва эшик тагига стул кўйиб ўтирди-да, беихтиёр қарсақ чала бошлади (Ў.Умарбеков. Одам бўлиш қийин. 53). |
| концептуал метафора | турли концептуал структураларнинг ўзаро алоқасидир | “ <u>Look into the bowl, Hugh, see what you like!</u> ” (BNC). Дарбоза ёнидаги машъум тол дарахти ҳам номуборак бир ишка <u>гувоҳлик берган</u> каби бўлар эди (А.Қодирий. Ўтган кунлар. 119). |
| концептуал метонимия | феъллар ўз тизимий мазмунига кўра кўриш сезгисини ифода қилмайди, лекин муайян контекстларда ўзининг пропозиционал структураси асосида перцептив жараёнларни ҳам репрезентация қила олади | She stood regarding him with a serious intensity as he let in the clutch and turned the car and he had the impression that she was watching <u>critically to see how he handled it</u> (https://www.english-corpora.org/bnc/). Бироз вақтдан кейин <u>сан кўр, ман кўр бўлиб кетади</u> (Ў.Хошимов. Икки эшик ораси. 25). |
| генерализация | когнитив механизми натижасида феъл (to witness & to see) таксономиянинг янада юқори даражаси ва каторига кўтарилади | Mary’s heart melted within her as she witnessed <u>Jem’s sorrows</u> , and she stepped gently up to the corner where he stood (Gaskell 1956: 102). Бобир амакисининг чуқур <u>қайғуга ботганини кўриб</u> , ич-ичидан эзилиб йиғлади (С.Ҳамидов. Орзуларим. 91). |

Концептуал метафоранинг когнитив механизми турли хил концептуал структураларнинг ўзаро алоқасидир. Бу каби жарёнларда «КЎРИШ СЕЗГИСИ» концепти билан биргаликда ёруғлик таратиш, муносабатларнинг ташқи кўриниши, ҳаракат, жисмоний ҳаракат, ижтимоий фаолият концептлари ҳам иштирок этади. Концептуал метафора ҳаракатининг натижасида янги концепт вужудга келади, тил даражасида бу жараён тил бирлиги мазмунининг бошқа категорияга ўтиши сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот жараёнида концептуал метонимиянинг когнитив механизми кўп аспекти билимларни (бошқа концептлар билан ҳамкорликда) кўриш сезгисини ифодаловчи прототип феъл томонидан репрезентация қилиши аниқланди, яъни: «КЎРИШ СЕЗГИСИ» концепти билан бир қаторда «ТУШУНИШ», «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТ», «ҲОЛАТ», «ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР», «ТЕКШИРУВ», «ҲАРАКАТ», «УЧРАШУВ», «ҚИДИРУВ» каби концептлар.

Илмий тадқиқот доирасида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг функциявий категориялашувида динамик аспект масалалари ўрганилди. Таҳлиллар натижасида кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар тил бирликлари тизими даражасида «КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептини репрезентация қилиши аниқланди. Шунингдек, гап-жумлаларда қўлланиш жараёнида барча лексик ва грамматик белгилар ўзаро муносабат натижасида кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар муайян ситуатив, функционал мазмунни ифодалайди. Бу каби мазмуний кўрсаткичларни оператив концептлар деб аташ мумкин¹⁹.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги «КЎРИШ СЕЗГИСИ» концептини ифодаловчи феълнинг таксономик моделининг динамик ҳолатини таъминловчи функциявий категориялашув жараёнини тадқиқ қилиб, таъкидлаш мумкинки, асосий даражадаги феъллар, айниқса, биринчи сатҳдаги феъллар юқори даражада категориал ҳаракатчанликка эга. Феълларни муайян даража ва сатҳларга ажратишда уларнинг лисоний ва когнитив механизмларининг функциявий категориялашуви инобатга олинади.

Тадқиқотнинг учинчи боби **«Инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг лингвопрагматик хусусиятлари таҳлили»** деб номланиб, мазкур бобда инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг прагматик хусусиятлари бадий матнларда келтирилган мисоллар орқали таҳлил этилган. Бадий матн – мулоқотнинг олий даражадаги бирлигидир. У муаллиф ва персонажлар нутқининг бирлигини таъминлайди. Муаллиф нутқи қуйидагича композициявий шаклларда амалга ошади: ҳикоя, тасвирлаш ва мулоҳаза. Персонажлар нутқи монолог, диалог ва полилог кўринишида бўлади. Ушбу тадқиқотда кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг юқорида санаб ўтилган нутқий жамланмалардаги прагматик мазмуни таҳлил қилинган.

¹⁹ Болдырев Н.Н. Когнитивная лингвистика в России: от частных исследований – к общей теории языка // Когнитивные исследования языка. Вып. XIV. Когнитивная лингвистика: итоги, перспективы: мат-лы Всеросс. науч. конф. – Москва: Ин-т языкознания РАН; Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р.Державина, 2013. – С. 56.

Сезги ғояси тасвирий контекстнинг семантик структурасида мавжуд. «Перцептивликни тасвирига йўналтирилган лексика» каби сўзларнинг спектри кенг қамровли. Перцептивликни ифодалашда кўп қўлланувчи воситалар сифатида эпитетлар, рангги ифодаловчи сифатлар, образли қиёслаш кабилар намоён бўлади. Кўпгина ҳолларда кўриш сезгисини ифодаловчи феъллар тушириб қолдирилади, чунки маълумотлар кўпайиб кетиши мумкин (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Инглиз тилидаги кўриш сезгисини ифодаловчи феълларининг дискурда воқеланиши

| № | Феъллар | Мисоллар | |
|----|---------------|------------------|------------|
| | | Абсолют мисоллар | Ҳоизда (%) |
| 1 | To see | 332 | 24,6 |
| 2 | To look | 511 | 38 |
| 3 | To glance | 39 | 3 |
| 4 | To peer | 6 | 0,5 |
| 5 | To peek | 3 | 0,2 |
| 6 | To peer | 0,5 | 0,3 |
| 7 | To gaze | 1 | 0,1 |
| 8 | To gawk | 1 | 0,1 |
| 9 | To gawp | 2 | 0,2 |
| 10 | To google | 6 | 0,5 |
